



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 30 июль,
№63 (1030)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва халқроқ ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:
Иордания Подшоҳи
Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Хусайн

Ўмон Султони
Қобус бин Саид

Кувейт Давлати Амири
Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти
Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими
Шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактум

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири
ўринбосари, Ички ишлар вазири
Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён

Қатар Давлати Амири
Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний

Туркменистон Президенти
Гурбангули Бердимухамедов

Тожикистон Республикаси Президенти
Имомали Раҳмон

Покистон Ислам Республикаси Бош вазири
Навоз Шариф

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти
Абдулазиз Бутефлика

Сингапур Республикаси Президенти
Тони Тан Кенг Ям

Сингапур Республикаси Бош вазири
Ли Сянь Лун

Ислам ҳамкорлиги ташкилоти Бош котиби
Ийяд бин Амин Маданий ўз табрикларини йўлланлар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Эзгулик ва хайр-саховат айёми

Юртдошларимиз Рамазон ҳайити кунини эрта тондан Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик, осойишталикнинг янада барқарор бўлишини, дастурхонларимиз тўқин, халқимиз фаровонлиги яна зиёда бўлишини Яратгандан сўраш, бугунги дориламон кунларга шукроналар келтириш учун жоме масжидларга ташир буюришди.



Талибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

Халқимиз меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик сингари фазилатларни асрлар давомида қадрлаб келади. Айниқса, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашдек эзгу амаллар истиқлол йилларида янада ривожланиб бормоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик тантаналарига қизгин тайёргарлик кўрилатган айна кун-

ларда муборак Рамазон ҳайити юртимизнинг барча ҳудудларида шоду хуррамлик билан кутиб олинди.

Рамазон ойи халқимизнинг маънавий-руҳий ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 23 июлдаги «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига биноан юртимизда бу фазилатли кунлар миллий анъана ва урф-одатларимизга мос тарзда ўтказилди.

> [2]

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»



Иқтидор ва маҳорат баҳсларда тобланади

Самарқандда маҳалла ёшлари ўртасида «Футбол-миз келажаги» республика мусобақаларининг минтақавий босқичи ўтказилди.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎЗА МҲБИРИ.

Унда Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари маҳаллалари ёшлари ғолиблик учун майдонга тушди. Республика «Маҳалла» хай-

рия жамоат фонди томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа маҳаллаларда спортни ривожлантириш, ўсиб келатган ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан баркамол этиб

тарбиялашга хизмат қилмоқда. Юртимиздаги барча маҳалла ёшлари қамраб олинаётган ушбу тадбир орқали истеъдодли спортчилар кашф этилмоқда, олис ва чекка ҳудудларида спортнинг оммавийлигини оширишга эришилмоқда.

Бахслар якунига кўра, 9-10 ва 11-12 ёшли болалар жамоалари ўртасида ғолиблик Самарқанд вилояти Жомбой тумани-

даги Алишер Навоий номидаги Пастдаргом тумани «Синчи» маҳалласи вакилларига насиб этди. Сурхондарё вилояти Сориосиё туманидаги «Ўлобод» маҳалласи ўсмирлари эса 13-14 ёшлилар ўртасида ўзларининг тенгсиз эканликларини исботлашди.

Ғолиб жамоалар мусобақанинг мамлакат босқичида иштирок этади.

МАҲАЛЛАДАН ХОРИЖГА

Экспортбоп маҳсулотларга талаб ортмоқда

Ўзбекистон туманидаги Оқмачит қишлоғидан Зафаржон Ҳабибуллаев ташаббуси билан «Конизар» маҳалла фуқаролар йиғинида «Зафар Элдор келажаги» хусусий корхонаси ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ.

Расул КАМОЛ «Mahalla»

Бозор талабларидан келиб чиқиб иш юритишга одатланган корхонада тайёрланаётган курук мева, дуккакли маҳсулотларга хорижликлар ҳам ҳаридор бўлишмоқда.

Бир ойда 150 тонна мева ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиб, қадоқлашга ихтисослашган корхона Ҳитойдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, яна ўнга яқин иш ўрни яратилди. Даст-

лабки ҳисоб-китобларга кўра, корхона ҳар йили 200 тонна мазоли ва витаминларга бой қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт қилади. Энг муҳими, тадбиркор бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Айни кунларда корхона ҳудудида иссиқхона ва сабзавот маҳсулотларини сақлашга ихтисослашган музлаткич қуришга киришилди. Бу ишлар поёнига етса, корхона тамғаси остидаги маҳсулотлар йил давомида хорижга экспорт қилинади.

> [3]

БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШЛАРИ

Устувор вазифалар ижроси муҳокамада

Айни кунларда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлимларида жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган кенгайтирилган бошқарув йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Йиғилишларда «Соғлом бола йили» Давлат дастури, Фондининг 2014 йилга мўлжалланган Иш режаси ҳамда тизимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифалар ижроси муҳокама қилинган.

Навоий вилоятида ўтказилган йиғилишда Фондининг туман ва шаҳар бўлинмалари раислари ва бош мутахассислари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий вилояти ҳудудий бўлими ходимлари иштирок этди.

— Соғлом бола йилининг биринчи ярми соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда фуқаролар йиғинларига ушбу раис Нормурод Исоков. — Хусусан, ҳисобот даврида кам таъминланган оилаларда улаётган 76 нафар боланинг оромгоҳларда соғломлаштирилишига кўмаклашилди. Уч-олти ёшли қиз болалар ўртасида соғлом турмуш тар-

зини тарбия этиш мақсадида вилоятдаги барча мактабгача таълим муассасаларида «Зумрадойлар давраси» тўғрисида фаолияти йўлга қўйилди.

Аҳоли ўртасида турли ҳуқуқбузарлик, диний экстремизм, миссионерлик, жиноятчилик ва гиёҳвандлик ҳолатларининг олдини олиш, ёшларни турли мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳаётимизга ҳавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидларга қарши курашиш юзасида турли ташкилотлар билан 415 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Нурота туманидаги Муруват уйда яшоеган 40 нафар фуқарога, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларга совғалар улашилди.

Фондининг Сирдарё вилояти бўлими бошқарувида ўтказилган тадбирда «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини маҳаллаларда аҳолига кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган семинарлар, дав-

ра сўхбатлари яхши самара бераётгани алоҳида таъкидланди.

Ҳисобот даврида асосий эътибор аҳоли ўртасида диний экстремизм, миссионерлик ҳамда ақидапарастликнинг турли кўринишларига барҳам бериш, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» ва «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлар ижросига қаратилди.

— Аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда 1200 дан зиёд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилишига кўмаклашилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бўлими бошқаруви масъул котиби Алишер Икमतов. — Натияжада 14500 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, 4 минг нафардан ортиқ хотин-қиз ва 2 мингдан зиёд ёш фойдалани меҳнатга жалб этилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Фонд Иш режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳисобот даврида 19 миллион 157 минг сўм маблағ сарфланди.

> [2]

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

Миллийлик ва маънавиятга ҳамоҳанг тарзда

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани бир томондан пойтахтга, бошқа тарафдан Қибрай, Урта Чирчиқ, Янгийўл туманлари ва жануби-ғарбда қўшни давлат билан чегарадош. Бу маскан фарб алломаларию Шарқни Фарб билан боғловчи йўллари билан машҳур.



Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»

Истиқлол йилларида кўпжаб жой номлари миллий қадриятларимизга таянган ҳолда янгиланди, қадимгилари қайта тикланди. Ушбу йўналишдаги ишларнинг тизимли амалга оширилишида Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонуни дастуриламал бўлаётди.

Шунингдек, янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида»ги Низомни ташаббуси асосида жорий йил халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши қарори билан ҳудуддаги қатор маҳаллалар янгича номланди.

> [2]





ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ

Хурлик ва
ифтихор тимсоли

Халқаро мусобақаларда Ватанимиз шаънини улуглаб юқори натижаларга эришган спортчилар шарафига байроғимизнинг баланд кўтариллиши юракларимизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдиради. Байроқ давлат мустақиллигининг, суверенитетининг рамзидир.

■ **Зубайда ЭРМАТОВА,**
Хоразм вилояти
Қўшқўпир тумани
Қатагон қишлоғигаги
«Истеъдод» оромгоҳи
раҳбари.



Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг маърифати янада юксалтиришда аҳамияти беқиёс.

1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг қабул қилингани нақадар улкан тарихий воқеа бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Энг аввало, байроқ қабул қилинганидан кейинги давр унинг муқаддаслигини, давлатимиз мустақиллигининг рамзий белгиси эканини тўла тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, уларда юксак ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда маҳалла фаоллари изчил тарғибот тадбирларини олиб боришаётир.

Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманидаги Қатагон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда фаолият юритаётган «Истеъдод» болалар ёғи дам олиш оромгоҳида 330 нафар ўғил-қиз хордиқ чиқармоқда. Оромгоҳда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни спорт ва хунармандчилик тўғрисидаги жабб этиш билан бирга ҳамкор ташкилотлар иштирокида турли беллашув ва мусоба-

қалор ҳам ташкиллаштири-
лаётди. «Маҳалла» хайрия
жамоат фонди туман бў-
линмаси, «Камолот» ёшлар
ижтимоий ҳаракати билан
бирга яқинда оромгоҳда
«Давлатимиз байроғи — иф-
тихоримиз тимсоли» мавзу-
сида тадбир ўтказилди.

Байроғимизда асосий ўч-
та — мовий, оқ ва яшил ран-
лар акс этган. Бу осойиш-
талиқ, тинчлик ва барқарор-
лик, бунёдкорлик рамзла-
ридир. Ой билан юлдузлар
тасвири ҳаёт бардавонли-
гини, тадрижийлик ва тўқис-
ликни, халқнинг ўзлигини он-
глатади, миллатнинг ор, ғу-
рур, ифтихорини ифода этади.

Тадбирга маҳалланинг
фаоллари, ёши улғу отахо-
ну онахонлар ҳам таклиф
этилди. Уларнинг таъсирчан
насихатлари, бугунги дори-
ламон кунларнинг қадрига
етиш кераклиги ҳақидаги даъ-
ватлари ёшлар учун ҳаётий
сабоқ бўлиши шубҳасиз.

Маҳалла — тарбия ўчо-
ғи, у азалдан фарзандлар
камолотида муҳим ўрин тутган.
Шундай экан, биз педагог-
лар ёш авлод таълим-тар-
биясида ушбу қадрдон мас-
канинг имкониятларидан
фойдаланиб, беминнат ёр-
дамга таянверамиз.

МУЛОҲАЗА

Тансиқ, тотли,
эъзозли неъмат

Диёримизда ноннинг ушоғи ҳам нон, деган эзгу ақида фарзандларнинг қулоғига болалигидан қуйилади.

■ **Н. АСЛОН.**



Шу боис нон бўлаги
бехос ерга тушса,
бош қадор кўтариб
кўзга сурилади, авайлаб дастурхонга қўйилади. Исрофгарчиликнинг олдини олиш мақсадида унинг ушоғидан турли егуликлар тайёрланади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Кексаларимизнинг уйинг бугдойга тўлсин, деган дуоларида анчонин ҳикмат борлигини бугун юртимиз омирлари галлага, файзли дастурхонларимиз нонга тўлиб турганидан ҳам англасак бўлади. Аммо ана шу

мўл-қўлчиликни сунистеъмоқ қилмаслигимиз лозим. Албатта, нонни, ун маҳсулотларини исроф қилиш оғир оқибатларга олиб келишини яхши онлаймиз. Бироқ бозан маҳаллалар чиқинди-хоналаридидаги махсус идишларда қотиб қолган, моғор босган нон бўлақларини кўриб, шундай улғу неъматнинг исроф бўлаётганига ачинасан киши. Тўғри, саратоннинг жазирасида эътиборсиз қолдирилган ҳар қандай егулик, айниқса, нон ва нон маҳсулотлари қотеди, моғорлойд. Лекин нега уларни эътижга яраша харид қилмаймиз? Ҳўп, ошиги билан олдиқ ҳам дейлик, бироқ нега уни меъёрдаги ҳароратда сақламаймиз. Қолаверса, тиш ўтмас бўлиб қотган нонни юмшатиш, ундан турли таом ва егуликлар тайёрлашнинг минг бир усули бор-ку!..

Энг арзон, энг қадрли, энг тотли неъматни исроф қилмайлик, дастурхонимиз файзи бўлган нонни эъзозлаш, юртимиздаги тўқин-сончиликнинг, фаровонликнинг қадрига етиш барчамизнинг бурчимиз.

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

Ютуқлар кўп, аммо бу ҳали марра эмас

Фарғона вилояти Кува шаҳридаги «Кайқубод» маҳалласи-
лик Муслима Абдуқаномавнинг 12 ёшида акробатика бўйича
жаҳон мусобақаларида уч карра чемпион бўлгани нафақат ота-
онаси ва маҳалладошлари, балки, барча юртдошлари қалбиди
ғурур-ифтихор туйғуларини уйғотди.

■ **Нилуфар ЮНУСОВА**
«Mahalla»

Кўшни қизалоққа ҳавас қилган Муслима Кува шаҳридаги 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг акробатика тўғрисида катнаганида олти ёшда эди. Акробатика — тезкорлик, чапдастлик ва изчил машғулоти талоб қилиши билан мураккаб. Шундай бўлсада, Муслима машғулотларга мунтазам қатнашди ва тез орада ўзининг тиришқоқлиги билан мураббийлар эътиборига тушди.

Озода Пўлатова мураббийлигида Муслима мусобақаларда голибликни кўлга кирита бошлади. Жуфтлик му-

собақаларида Шоҳбозмирзо Пўлатов билан икки йиллик тайёргарликдан сўнг Германияда ўтган халқаро мусобақада биринчи ўринни кўлга киритди. Шу тарихи Муслима Ўзбекистон тарма жамоаси аъзоси бўлди ва мураббийлар уни пойтахтда шуғулланишга чақирди. Ҳозир пойтахт тарма жамоаси таркибидида учлик гуруҳининг энг юқори қисмида акробатика машқулотлари бажаради. Шунингдек, спорт устаси, мураббий Галина Облоева қизалоқ билан алоҳида машғулотлар ўтказди.

— Муслиманинг бу спорт турига қизиқишини шунчаки ҳавас деб ўйлагандик, — дейди отаси Маъруфжон Мирзаев. — Аммо у йилдан-йилга катта ютуқларга эришиб бизни ҳай-



ратланганди. 10 ёшидан бери яқин-қизилдан йироқда, спортнинг ўзига хос қийинчиликларига бардош бериётган қизиқининг янада улкан ютуқларни кўлга киритишига ишона-

ман. Унинг бундай муваффақиятларида, аввало, ёшларни спортга жалб қилиш мақсадида яратилаётган шарт-шароит ва имкониятларнинг ўрни беқиёс.

Дарҳақиқат, эндигина 12 ёшга қирган бу спортчи қиз ўн беш карра Ўзбекистон чемпиони ва уч маротаба халқаро миксда чемпион номига сазовор бўлди. Уч жуптликда ўтган йилги халқаро мусобақаларда, жумладан, Белгияда 2-ўрин ва Германияда 1-ўринни эгаллади. Ҳозир у спорт устаси номзодлигининг илк синовидан ўтди. Келажакда айнан акробатика бўйича мураббий бўлишни дилига тўққан ўзбек қизининг орзулари кўп.

Яна бир гап. Яқинда 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида «Губод», «Ўзбекистон», М.Хасанов номидаги маҳаллалар ва Турквот, Маданият қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидида истикомат қилаётган аёллар ўртасида «Гимнастика барча учун» спорт мусобақаси ўтказилди. Унда юз нафардан ортиқ хотин-қизнинг фаол иштирок этгани маҳаллаларда аёлларни спортга жалб этиш борасида изчил чора-тадбирлар қўлланилаётганининг самарасидир.

«ФАРОВОНЛИК»

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ



2014 йил 20 – 21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ
Тошкент шаҳрида

Ўтказиладиган ютуқлар тиражидида ўз омадингизни синаб кўринг.

10 дона

10 дона

10 дона

5 дона

5 дона

1 113 735 та пул ютуқлари

625 дона

625 дона

625 дона

1725 дона

625 дона

625 дона

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

ПОТЕРЕЯ БИЛЕТНИНГ НАРХИ — 5 000 СЎМ.

☎ (+99871) 273-03-04 ПОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ НАҚД ПУЛГА ЁКИ ПУЛ ЎТҚАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН БАНКНИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШНИНГ МҲУМКИ.

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

Қорақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77	Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-60	Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48
Андижон вилояти (8-374) 228-46-20	Наманган вилояти (8-369) 223-19-32	Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50
Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53	Навоий вилояти (8-436) 770-35-49	Фарғона вилояти (8-373) 244-08-41
Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33	Самарқанд вилояти (8-366) 229-34-73	Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00

Ютуқлар тасодифий аниқлаш тамойили асосида махсус лотерея жихозларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. 100 000 сумгача бўлган ютуқлар 1 банк иши куниди. 100 000 сумдан юқори бўлган ютуқлар, билетларнинг экспертиза хулосаси олинган кундан бошлаб, 1 ой ичида берилади. Ютуқли билетлар тираж ўтказилган санадан бошлаб, 100 кун давомида тўловга қабул қилинади ва ушбу муддатдан сўнг ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланади. Балогоат ёшига етмаганларга лотереяда иштирок этишга йўл қўйилмайди.

Хизматлар лицензияланган.

«ЁЗ — 2014»

Оромгоҳлар болалар билан гавжум

Июль ойида кам таъминланган оила фарзандлари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви ва шаҳар, туман бўлинмалари ҳисобидан соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқарди.

■ **Мухбиримиз.**

Вилоятнинг Учқудук, Томди, Конимек, Кармана ва Нурота туманларидан жами 600 нафар кам таъминланган оила фарзан-

дининг Зарафшон шаҳридаги «Золотинка» оромгоҳида дам олиши учун ҳамийлар томонидан бепул йўланмалар берилди.

Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими ва туман, шаҳар бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида ҳар бир туман, шаҳардан 10 нафардан, вилоят бўйича жами 100 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзанди рўйхати шакллантирилди. Фонд маблағлари ҳисобидан уларнинг оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши ташкил этилаётди.



Вазият ҳануз нотинч

Ироқда муслмон оламнинг муқаддас байрамидида ҳам осойишталик билан боғлиқ вазият таранглигича қолди.



«Reuters»нинг хабар беришича, полиция ходимла-

ри Бағдоднинг турли туманларидан 15 нафар кишининг жасадини топган.

Айни пайтда мамлакатнинг шимолӣ ҳудудларини эгаллаб олган жангари гуруҳлар секинлик билан пойтахт сари яқинлашмоқда. Радикал гуруҳлар Бағдоддан 80 км. узоқликдаги Мўқаддия шаҳрини ўз назоратлари остига олганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Янги йўлдошлар учирилди

Йўлдошлардан АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари хорижий космик аппаратларни кузатишда фойдаланади.



Янги қурилмалар «United Launch Alliance» компанияси кўмағида орбитага етказилди. Бу тузилма «Boeing»

ва «Lockheed Martin»нинг қўшма компаниясидир. Космосга учирилган аппаратлар америкаликларнинг яқинда маълум бўлган янги ҳарбий «GSSAP» дастурининг илк йўлдошлари бўлди. Уларнинг мақсади геосинхрон орбитада космик аппаратларни кузатишдан иборат.

Йўлдош-жосуслар орбитанинг 35,9 минг км. баландлигида объектларни кузатади ҳамда Ер билан алоқани таъминлайди.

«Электрон бурун»
итлар бурнидан сезгир

Исроилда портловчи моддаларни излашга ихтисослашган «электрон бурун» ихтиро қилинди.

Химия мактаби ҳамда Тель-Авив университетининг нанотехнология ва наноматериаллар тадқиқот маркази муҳандислари яратган «электрон бурун»нинг портловчи моддалар молекула-ларини сезиш қобилияти итларникига қараганда икки-уч баробар юқори.

Қурилмада портловчи моддаларнинг ҳаводаги молекулаларини топа оладиган бир неча юз юқори сезиш қобилиятига эга чиллар жойлаштирилган. Портлов-

чи моддаларнинг ягона молекуласи мавжуд бўлган тақдирда ҳам нанотранзисторлар электр ўтказувчанлигини ўзгартиради. Натижада оддий ўзгариш математик аниқликдаги ҳисоб-китоб таҳлилини юзага келтиради.

Университет ходимлари қурилмини санот миксидида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш амалдаги мавжуд шундай тизимлардан кўра арзонга тушишини маълум қилишган.

■ **Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда
0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаро-
лик хизмати институтлари билан ишлаш бўлими:
199-84-32, Иқтисодий ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46,
Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148



ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: М.Лагипова
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Топшириш вақти — 21.00

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топширилди — 21.00



ҚАРОР ВА ИЖРО

БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШЛАРИ

ЙИГИНЛАР ҲАЁТИДАН

Эзгулик ва хайр-саховат айёми

Рамазон ҳайити миллати маънавиятига хос меҳр-оқибат, аҳиллик, ўзаро ҳурмат-иззат сингари фазилатларни юртдошларимиз қалбида янада мустаҳкамлаш, ёш авлод онгига сингдириб, эртонги кунимизнинг янада чорогон бўлишини, эзгу мақсадларимиз ижобатини таъмин этиш учун қўлай фурсатдир. Шу боис энг катта бойлик — тинчликни мустаҳкамлаш, уни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Имом-хатиблар, Фонд ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларини жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётида туганган ўрни ва аҳамиятини тарғиб этиш, Соғлом бола йилида ёшларни жисмонан соғлом, маънан барқамол қилиб вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Рамазон ҳайитини саранжом-сориштирилган, юртимизни янада обод этган ҳолда қўлиб олиш аснога айланган. Ҳайит арафасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари соғй-ҳаракати билан давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимларини жалб этган ҳолда, республикамиз ҳудудидики жойлашган 430 та қадимжо ва зиёратгоҳлар, 502 та тарихий обиди, 8682 та қабристон ободонлаштирилди. Бу ишларга 1 миллион 665 минг 450 нафар аҳоли жалб этилди.

Муборак Рамазон ҳайитини жойларда тартибли ва юқори савияда, миллий қадриятларимизга мос равишда ўтиши, юртдошларимиз ибодатларни тўла-тўқис ада этиши учун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар томонидан барча зарур чоралар қўрилди. Хусусан, маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари билан ҳамкорликда ҳайит намози ўқилаётган масжидларда навбатчилик ташкил этилди.

Халқимиз Рамазон ҳайитини тартиб-таомилларга амал қилган ҳолда тинчлик ва ҳурсандчиликда ўтказиб, юртимизга фаровонлик, хонадонларимизга борака ёйишини сўраб дуога қўл очдилар.

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

Меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик маскани

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги «Женговуз-26» маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган замонавий уй-жойлар ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА «Mahalla» Ижтимоий инфратузилма объекти бунёд этилиши натижасида ушбу маскан шаҳарча макomini олди. Айниқса, янги уйлорга уйғунлаштирилиб қурилган намунавий лойиҳа асосидаги маҳалла гузари ҳудуд кўрғига кўрк қўшди. Айни пайтда гузардаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тикувчилик, қандолатчилик цехлари, новвойхона, дорихона, банк ҳамда почта хизматидан аҳоли мамнун. Гузардан маҳалла фаоллари ҳамда профилаттика инспектори учун алоҳида хоналар, мажлисхона зори ўрин олган. Барча хоналар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва хомийлар кўмагида компьютер жамланмалари, мебель жиҳозлари билан таъминлангани фаолият самардорлигини оширмоқда.



Устувор вазифалар ижроси муҳокамада

Бўлим томонидан никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида тарғибот ишлари олиб борилди. Ижтимоий муҳофазатга муҳтож 50 дан зиёд ёш оилага тўй маросимларини ўтказиш ва турмуш шароитини яхшилаш учун ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Шунингдек, бўлим ва бўлинмалар томонидан таълим муассасалари ўқувчилари давоматини яхшилаш бўйича фуқаролар йиғинлари жамоатчилик назоратини ўрнатдишга услубий ва амалий кўмаклашилди. Маҳаллалар қошида ота-оналарнинг ёш авлодини тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимларини ошириш мақсадида ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолиятини янада тақвиятлаштириш, соғлом бола тарбиясида маҳалланинг ўрнини ошириш ҳам доимий эътиборда. Ешларни турли тўғроқларга жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланишларини таъминлаш ҳамда мусиқа мактаблари жойлашган маҳаллаларда воқал жамоаларини ташкил этишга ҳам кўмаклашилди.

Ҳисобот даврида Фонд томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самардорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг ижросига алоҳида эътибор берилди. Айниқса, фуқаролар йиғинлари ҳузуридики тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича «Маслаҳат марказ-

лари» янада тақвиятлаштириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича тегишли ташкилотлар билан ўрнатилган ҳамкорлик натижасида профилаттика ҳисобда турмучи нотинч оилалар сони 2014 йилнинг 6 ойи давомида сезиларли даражада камайди. Фарғона шаҳрида ўтказилган йиғилишда Фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Акрамжон Йўлбарсов бўлинмалар фаолияти, эришган ютуқларини эътироф этиш билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликларга муро-сазис бўлишни таъкидлади. Йиғилишда Давлат дастури ҳамда Фонд иш режасида белгиланган чора-тадбирлар ижроси, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалланинг фаолияти самардорлигини янада ошириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Кейинги йилларда вилоятимизда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланмоқда, — дейди Фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Бахтиёр Қодиров. — Жорий йилнинг биринчи ярмида 20 та фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси, 104 таси мебель жиҳозлари билан тўғри таъминланди. 8 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилиниб, 2 таси янгидан қурилди. Иш режага мувофиқ, Меҳрибонлик, Саховат ва Муруват уйлари тарбия-

ланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, яққа-ёлғиз кексалар, уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳолидан хабар олиш тизим мутасодаларининг кундалик юмушига айланган. Эҳтиёжманд фуқароларга «Маҳалла муруввати» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган кийим-бошлар ҳада этилди. Шунингдек, Фонднинг бўлим ва бўлинмалари томонидан ижтимоий муҳофазатга муҳтож 91 та ёш оиланинг никоҳ, 98 та боқувчисини йўқотган оила фарзандларининг ҳатто тўйлари ўтказилишига кўмаклашилди.

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажак» ва «Маҳалла-миз пахлавонлари» спорт мусобақаларининг бу йилги саралаш босқичлари ҳамда республика босқичига қўйилаётган тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди. Ошкоралик руҳида ўтган йиғилишда айрим бўлинмалар томонидан йўл қўйилган камчилик ва хатолар танқид остига олинди. Уларни бартараф этиш бўйича аниқ тақлифлар билдирилди. Мунозараларга бой, ишчан ва танқидий руҳдаги йиғилишлар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар бўлимларида ўтказилди. Бошқарув йиғилишлари якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

Миллийлик ва маънавиятга ҳамоҳанг тарзда

Туманимиздаги маҳаллаларнинг номларини миллий қадриятларимизга мос тарзда ўзгартириш бўйича халқ депутатлари туман Кенгашига маълумот киритдик, — дейди Фонднинг туман бўлинмаси раиси ўринбосари Иброҳим Саидқаримов. — Жойларда Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссияси аъзолари ва мутахассислар томонидан маҳалла фаоллари билан учрашувлар ўтказилди. Мулоқотларда географик объектларнинг номларини давлат тили талаблари асосида ёзиш ҳамда замонавий шакл ва дзайндаги лавҳалар ўрнатиш бўйича тавсиялар берилди. Қисқа фурсатда Келес шаҳри ва Зангиота, Қизилқалъ, Қатортол, Хонобод, Гулистон, Узгарош, Назарбек, Эркин, Эшонгузар каби қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидики 25 дан зиёд маҳалланинг номи ўзгартирилди.



Низомнинг 32-бандига мувофиқ, маҳалланинг номи ҳудудга мос бўлиши, аҳолининг фикр-мулоҳазалари инобатга олиниши, йиғин аҳолининг географик, тарихий, миллий, этник ва бошқа хусусиятлари назарда тутилиши керак. Келес шаҳри 3.Пўлатов номидаги маҳалла «Озодлик» дея қайта номланди. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссиясига тақлиф киритилди. Тақлиф ўрганилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига тақдим этилди. Шундан сўнг мазкур маҳалла «Озодлик» дея қайта номланди. Дарҳақиқат, ҳар бир объектнинг номи замонга ҳамоҳанг бўлиши керак. Жумладан, тумандаги шахслар номига қўйилган маҳаллалар ниҳоятда кўп эди. Улар эндиликда «Маърифат», «Истиқбол», «Эъзоз», «Учқинор» деб юритилмоқда. — Маҳалламизга шу жойинг тарихий номи берилгани бизни мамнун этди, — дейди «Учқинор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Ўткир Ниятов. — Бу ном тўғрисида шу ҳудуд аҳоли ўзларининг қадим тарихини теранроқ англашлари, бундан фойдаланишлари. Зангиота қишлоғида А.Мирзақамолов номидаги маҳалла бор эди. Ушбу ҳудудда ноёб гуллар етиштирилиши инобатга олиниб йиғин «Гулбоб» дея номланди. Тақлиф маҳалла аҳолидан чиққанлиги эътиборга олинди. Шунингдек, қишлоқ таркибидики А.Шорамқодов номидаги маҳалла «Асил» деб ўзгартирилди. — Маҳалламиз номи «Қорақўса» деб атаб келинган, — дейди маҳалла раисаси Муаттар Ёқубжонова. — Табиийки, бу бугунги кун талабларига мос тушмас эди. Шу боис ёшлар ташаббуси билан йиғин номи «Навқирон» деб ўзгартирилди. Ҳа, Низом асосида амалга оширилаётган бу каби тадбирлар жой номларининг оддий, тушунарли бўлишини таъминлаш баробарида, географик объектлар ҳақидаги дастлабки маълумотга эга бўлиш имконини беради.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Ижтимоий ҳимояда адолат мезони муқаррар

Ғиждувон туманидаги «Ғаждумак» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Манзура Қутлиева анчагина тақдир синовларини бошидан кечирди. Турмуш ўртоғидан эрта ажраб, икки нафар вояга етмаган фарзанди билан ёлғиз қолган аёл оиласини бекамму қўст таъминлаш учун тиниб-тинчимайди.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»

Аммо рўзгорнинг залворли юки барибир аёл кишига оғирлик қиларкан. Охири-охири Манзура касалланд бўлиб қолди. Бу ёқда болалари айни ёйман-ичаман деб турган бўлса. Бир-икки бор кўшнилари беиминат мурувват кўрсатишди. Шундан сўнг унга энг мақбул йўл сифатида маҳаллага муружат этишини маслаҳат беришди.

Минг истиқлола билан моддий ёрдам сўраб келган аёлнинг аризасини ўрганган йиғиннинг Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси аъзолари уни қаноатлантириш бўйича бир тўхтама қилишди. — Истиқлол йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари доирасидаги аксарият воқеалар маҳалла зиммасига юклатилди, — дейди йиғин раиси Меҳридин Тўраев. — Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада тақвиятлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ташкилланган Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссиянинг Намунавий низомидики белгиланган вазифалар доирасида кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга фуқаролар йиғинлари томонидан моддий ёрдам ва нафақалар тайинланмоқда. Айни пайтда 4300 дан зиёд оила истиқомат қилаётган маҳаллада 4 та хонадонга моддий ёрдам, 36 тасига икки ёшгача, 35 тасига эса 14 ёшгача бўлган фарзандлари тарбияси

учун нафақалар берилмоқда. Комиссия таркибига фаол, ҳаётий тажриба ва обрў-эътиборга эга фуқаролар, шунингдек, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш маркази ҳамда солиқ инспекцияси вакиллари киритилган. Ҳар бир ариза ижтимоий адолат тамойиллари асосида чўқур ўрганиладики, бу айрим оилаларда боқимандалик иллатини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. — Базон тўрт мучаси соғ, ишлаш салоҳиятига эга бўлганлар ҳам оиласи номидан моддий ёрдам сўраб ариза беришди, — дейди маҳалла фаоли Майсара Жўраева. — Ахир, имконияти бўла туриб ўз фаровонлигини таъминлай олмаган кишига нима дейиш мумкин?! Бундай ҳолларда комиссия аъзолари аризаси қаноатлантирилмаган фуқарога сабабини тушунтириб, уларга иш билан таъминлаш ёки тадбиркорликка жалб этиш борасида маслаҳат ва амалий ёрдам беришмоқда. Аслида, оила учун ҳақиқий борака бировнинг қўлидан олинган маблаг эмас, пешона тери билан ишлаб топилган даромаддан келади. Хусусан, бир неча бор ёрдам сўраб келган икки оила вакиллари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси кўмагида 10 та парранда олиб берилди. Эндиликда кундалик даромадга эга хонадонларнинг моддий таъминоти анча яхшиланди. Комиссиянинг ибратли тажрибаларидан яна бири шундаки, улар кам таъминланган оилаларга фақат бюджет ёки бошқа марказлашган маблағларни ижтимоий йўналтириш билан чеклиб қолмай, хомийлар ва саховатпеша маҳалладошларни ҳам ушбу жараёнга жалб этишмоқда. Утган йили ҳудуддаги II гуруҳ ногирони Хайрулла Адизов хонадонни ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди. Ҳа, «Ғаждумак»да ижтимоий соҳида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида кам таъминланган оилалар сони кескин камайди. Борлари ҳам тадбиркорлар кўмагида фойдали меҳнатга жалб этилиб, рўзгорларини бутлаб олишмоқда.

КОЛЛЕЖ-КОРХОНА ҲАМКОРЛИГИ

Орзу, мақсад йўлидаги муҳим қадам

Юртимизда ёшларнинг билим олиб, хунар эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратилган. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш бугуннинг долзарб вазифаси.

Ўрол САФАРОВ,
«Маҳалла» хайрия
жамоат фонднинг
Денов тумани
бўлинмаси раиси.

Денов туманида Соғлом бола йилида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Бўлимимиз бу борада бор имкониятларини ишга солимоқда. Айниқса, битирувчи кизларнинг тадбиркорлик билан шугулланишлари учун уларни қўллаб-қувватлашга олоҳида эътибор берилмоқда.

Касб-хунар коллежлари битирувчилари билан корхона ва ташкилотлар ўртасида уч томонлама шартномалар тузилган. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлашда муайян тизимни шакллантиришга эришидик. Жумладан, жорий йилда тумандаги 14 та касб-хунар коллежлари 87 та мутахассислик бўйича 6851 нафар йигит-қиз битирди. Худуддаги 2596 та муассаса, корхона ва ташкилот билан уч томонлама шартнома имзоланди. Бундан ташқари, ўз бизнес лойиҳалари билан бўлинмага мурожаат этган маҳалла ёшларидан 20 нафарига турмандаги банклардан энг кам ойлик иш ҳақининг 50-100 бараваригача кредит

маблағлари олишига қўмақлашдик. «Чўнтош» маҳалласидан Гўлчехра Рўзибоева, «Чим» маҳалласидан Зилола Абдухалипова ҳамда Мақсуда Норқобилова каби ёшлар ўз бизнесини бошлади.

Ёшларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш орзу-ниятлари йўлида муҳим қадамдир. Шу кунгача 100 дан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланди. Мисол учун, «Толқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини худудда яқинда фаолият бошлаган «Меҳриғий дово» МЧЖ корхонасига 6 нафар, «Истиклол» маҳалласи худуддаги «Чағаниён шохбека» МЧЖ корхонасига 8 нафар, «Кайтмас» маҳалласидаги корхонага 4 нафар коллеж битирувчиси ишга жойлашди. Коллежларни тикувчилик, сортарошлик, компьютер хизмати каби йўналишлар бўйича тугатган ўқувчиларнинг 50 нафардан ортиги маҳаллалар кўмагида аҳолига хизмат кўрсатишни бошлаб юборишди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Денов туманида 6300 та янги иш ўрни яратилиши кутилган. Юқорида баён қилинган хайри ишлар натижасида ўтган ортида 3 миңдан зиёд кишининг бандлиги таъминланди. Ушбу рақамлар ортида бўлинмаимиз ва худуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хизмати борлиги қувонарли.

ИШ БИЛАНГА — БАЛЛИ!

Ўй бекаси тадбиркорликда ҳам моҳир

Аёл — она, фарзанд тарбиясига масъул шахс. Шунга қарамай хотин-қизларимизнинг илм-фан, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, хунармандчилик, санъат ва спорт соҳасида эришган ютуқлари барчамизни қувонтираётир. Сир эмас, айрим хотин-қизлар оила юмуши ва фарзанд тарбиясидан ортиб, бирор-бир юмуш билан шугулланишда бирмунча қийинчиликка дуч келиши тайин.



Моҳичехра ЛАТИПОВА
«Mahalla»

Хамза тумани Усмон Носир номидаги маҳалла фуқаролар йиғини худудда истикомат қилувчи Дилноза Сабурова бу масалага ўзига хос ечим топган. У маҳалла қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Холдида Исломова кўмагида ижарага жой олиб, «Orient craftsman» масъулияти чекланган жамияти қошида тикувчилик цехини ташкил қилди.

Фаолиятини бошлаганига ҳали 8 ой ҳам бўлмаган корхонада маҳалланинг 10 нафар хотин-қизи доимий иш билан дилноза ёш бўлишига қарамай, тикувчилик борасидаги билим ва кўникмаларини бойитиш, қолаверса, ишлаб

чиқариш ҳажмини ошириш бўйича режалар тузиш ва уни бажаришга доимо вақт топади. Аввалига турмуш ўртоғи кўмагида 4 та тикув машинаси харид қилиб, 2-3 нафар тикувчи билан иш бошлаган эди. Дастлаб эътиборни ишчиларнинг касб маҳоратини оширишга қаратиб, малакали дизайнерларнинг ўқув-масъулоти билан ташкил этди. Айни пайтда бу ерда буюртма асосида 9 та машина ёрдамида турли корхона, ташкилот ходимлари учун моҳирус кийим-бош ва кўлоқлар тикилган. Ёш тадбиркор келгусида кредит олиб, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни режалаштирган.

— Уч нафар фарзандим бор: бирини мактабгача таълим муассасасига, яна бирини мактабга олиб бориш зорурати ту-

файли ишга жойлаша олмасдим, — дейди тикувчи Зилола Бадалбоева. — Ушбу корхонанинг уйимиз ёнида ташкил этилгани биз учун қулайлик туғдирди. Мактабдан қайтган болаларимиз кўз ўнгимизда ўйнаб юришади. Қувонарлиси, бу ерда ишчиларга мош тайинланди, меҳнат дофтарчаси ҳам юритилади.

Холдида опа биз билан сўхбат асосида икки нафар ёш кизга нималарнидир тушунтира кетди. Ўзларга эътибор қаратганини пайкаган Дилноза изоҳ берди: «Булор Хотин-қизлар коллежи битирувчилари, улар маҳалла раиси тавсиясига кўра, бизга иш ўрганиш учун бириктирилган».

— Маҳалламизда 4900 нафар аҳоли истикомат қилади, — дейди маҳалла раиси Усмон Сафаров. — Аксарияти ёшлар ва ўй бекаларидан иборат аҳолининг бандлигини таъминлаш борасида худудимиздаги қирққа яқин хусусий ва давлат корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Улардаги мавжуд бўлиш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар маҳалла идорасига жойлаштирилган.

Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси Холдида Исломова эзгу ишларга қамарбаста. Айниқса, ёш оилалар ҳақида олоҳида ғамхўрлик қилиш, оилавий моҳороларнинг олдини олишда жонқуярлиги билан эътибор қозонган. Кўпгина иллатларнинг боиси боқимандалик, меҳнатдан қочиш эканини таъкидлаб келадиган бу онахонимиз 63 ёшни қоралаган бўлса-да, бошқаларга ибрат бўлишдан толмайди. Айрим ишсиз маҳалладошларини ўйлаб, тадбиркор онахон кичик новвойхона қурдирди. 5-6 нафар йигитни иш билан таъминлаган новвойхонанинг ноилари, асосан, маҳаллада ўтадиган тадбирлар дастурхонига тортилади, кам таъминланган оилаларга улашिलाди.

Маҳалла фаолиятини хотин-қизларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар жиҳатдан намунали, оиласи ва кўниқўнчилари билан иноқ яшётган, фарзандларини яхши тарбиялаётган онахонларимизнинг маҳалла аҳлини ортидан эргаштириётгани, тадбиркор аёлларимиз сони ортиб бораётгани, албатта, худуд ободлиғи фаровонлигини таъминлаётир.

МАҲАЛЛАДАН ХОРИЖГА



Экспортбоп маҳсулотларга талаб ортмоқда

< 1]

Сирасини айтганда, маҳаллаларнинг оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айланиб бораётгани аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, фуқаролар турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. «Конизар»да ўз тадбиркорлик фаолияти билан ички ва ташқи бозорга маҳсулот чиқарётган ишбилармонлар сафи кенгаймоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини маълумотларига кўра, айни пайтда худудда 48 та она шундай тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган бўлиб, улар томонидан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Хорижликлар эътиборини қозонган тадбиркорлар Донғара, Тошлоқ, Риштон, Ўққўрик, Фарғона, Қўқон, Қувасой ва Марғилон шаҳарлари маҳаллаларида фаолият юритаётир. Уларнинг сони 200 дан ортик. — Мустиқиллик йилларида оилавий тадбиркорлик

ва ишбилармонлик ривожини учун яратиб берилган қулай имкониятлар соҳа истиқболига хизмат қилмоқда, — дейди вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо бошқармаси мутахассиси Жаҳонгир Нишонов. — Жорий йилнинг ўзида вилоятимизда маҳсулот экспорти ҳажми ўтган йилга таққослаганда 133 фоизга ошди. Таҳлилларга кўра, экспорт салоҳияти текстиль, қурилиш жиҳозлари, мевасазбозов ва кимё маҳсулотлари ҳисобига ошмоқда.

Бугун вилоятдаги ишлаб чиқариш тармоқлари 80 дан ортик мамлакатга ўз маҳсулотларини экспорт қилаётир. Бу борадаги ишлар салмоғи ошишида маҳалла фуқаролар йиғинларида тадбиркорлик, ишбилармонлик, оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар, республика миқёсида хорижий инвесторлар иштирокида ўтказилаётган халқаро бизнес форумларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Истиқболли лойиҳалар тараққиётга хизмат қилади

Мамлакатимизда ички бозорни рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш, фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Натижада тадбиркорлик субъектлари сафи йил сайин кенгайиб, уларнинг яли ички маҳсулотдаги улуши муттасил ошмоқда.



Муҳбиримиз.

Бугунги кунда иқтисодий таъминнинг таянч соҳасига айланган кичик бизнесни янада тараққий эттириш, айниқса, банк-молия тизими зиммасига катта масъулият ва вазифаларни юклайди. Шундан келиб чиқиб, молия бозорида етакчи мавқени мустақамлаб келалаётган «Асака» давлат акциядор-

лик тижорат банки томонидан хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари соҳасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хозирги кунда банкнинг 26 та филиали, 101 та минибанки орқали 1,4 миллиондан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларга, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва

фермер хўжалиқлари ҳамда жисмоний шахсларга тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатилаётир. 2014 йил 1 июль ҳолатига кўра, банк кредит қўйилмалари ҳажми 2380,7 млрд. сўмни ташкил қилди, бундан 1827 млрд. сўми узоқ муддатли кредитлардир.

Жорий йилнинг биринчи ярми давомида иқтисодийнинг турли соҳаларини ривожлантириш мақсадида 707,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Эътиборлиси, иқтисодий тармоқларига йўналтирилган мазкур сармояларнинг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур соҳага ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, юқори технологияларни таллоб этадиган замонавий, инновацион ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ва бошқа мақсадлар учун берилган кредитларнинг умумий ҳажми 498,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда ажаб тортинибди тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 31,4 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, ёш оилаларга бизнес фаолиятини йўлга қўйиш, уни ривожлантиришга йўналтирилган микрокредитлар ҳажми 2,4 млрд. сўмга етди.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ичмам корхоналарни барпо этиш, ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда кенг имкониятлар эшигини очди. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан ажратилган кредитлар ҳажми 101,6 млрд. сўмни ташкил этди. Пировордида қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ушбу мақсадларни рўйба қилиш учун 4,6 млрд. сўм хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 74,5 млрд. сўм ҳамда тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 44,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, банкнинг Имтиёзли кредитлаш мажмури ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар 6,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Кредитлар нафақат Тошкент шаҳри ва вилоят марказларидаги, балки мамлакатимизнинг чекка худудларидаги тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини амалиётга татиқ этишда қўл келаётир. Бунда асосий эътибор маҳаллий хомашдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларига устувор аҳамият берилмоқда.

ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан, банк томонидан 119,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу сармоялар рақобатбардош ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш каби истиқболли лойиҳаларга йўналтирилгани билан диққатга сазовор.

Маълумки, қишлоқ аҳолиси бандлигини ошириш, доромадини кўпайтиришда чорвачилик муҳим ўрин тутди. Шу боис юртимизда мазкур тармоқни ривожлантириш, уни молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ортида шу мақсадда банк томонидан 4,4 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Табиийки, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори борада дастуриламал бўлмоқда.

Иқтисодий таъминда тобора мустақам ўрин эгаллаётган қосанчилик, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ушбу мақсадларни рўйба қилиш учун 4,6 млрд. сўм хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 74,5 млрд. сўм ҳамда тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 44,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, банкнинг Имтиёзли кредитлаш мажмури ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар 6,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Кредитлар нафақат Тошкент шаҳри ва вилоят марказларидаги, балки мамлакатимизнинг чекка худудларидаги тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини амалиётга татиқ этишда қўл келаётир. Бунда асосий эътибор маҳаллий хомашдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Ўткирбек НИШОНОВ,
«Fayzil xonadon mebel» хусусий
корхонаси раҳбари:

— Ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, рақобатбардош мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимизда юртимизда тадбиркорлик ҳаракати учун қулай муҳит яратилгани, соҳага қўллаб-қувватлаш имтиёзлар татиқ қилинаётгани туртки бўлди. Хусусан, бизнес-режамизни муваффақиятли амалга оширишда «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки молиявий жиҳатдан кўмак бериб келмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг талаби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Корхонамизда харидорларнинг талаблари асосида янги турдаги мебель маҳсулотларини тақдим этмоқчимиз. Шундай лойиҳани амалга ошириш ниятида «Асака» банк Марғилон филиалига кредит олиш мақсадида қилган мурожаатимиз қисқа муддатларда қўриб чи-

қилиб, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилди. Натижада маҳаллий хомаш асосида қўшимча 12 турдаги сифатли, ҳамёнбоп ва замонавий мебель жиҳозлари ишлаб чиқара бошладик. 10 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси миҳнатга жалб қилдик. Молиявий ҳамкоримиз бўлган «Асака» давлат акциядорлик тижорат банкининг сифатли хизматларидан мамнунмиз. Унинг молиявий кўмаги ишлаб чиқариш суръатини янада ошириб, меболизмлик саноти ривожига муносиб ҳисса қўйиш, аҳоли турмуш шароитларини юксалтиришдек эзгу ниятларимизнинг рўйи йўлида хизмат қилишига ишонамиз.

Абдурахим САЛИЕВ,
«Саноат реал имкон» масъулияти
чекланган жамияти раҳбари:

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини тижорат банкларининг молиявий кўмагисиз тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, улар томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватланаётгани ички бозорни рақобатбардош ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилаётир. Биз ҳам ана шундай имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятимизни кенгайтириб бораёلمиз. Андижон шаҳрида жойлашган «Саноат реал имкон» масъулияти чекланган жамиятимизда айни пайтда пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки бу борада яқин ҳамкоримиз. 2006 йилдан буён мазкур молия муассасаси кўмагидан фойдаланиб келямиз. Мазкур банк кредитлари асосида янги лойиҳаларни рўйба қилдик. Ажратилган сармоя эвазига замонавий турдаги пойабзал тикиш даст-



гоҳлари ва хомашё харид қилдик. Бинобарин, фаолиятимиз кенгайтириш ҳисобига ҳам-шаҳарларимиздан 8 нафари ишли бўлди. Бунда банк ходимларининг мунозараларга бўлган самийий муносабати, мурожаатимизга ўз вақтида ижобий жавоб қайтараётгани муҳим омил бўлди.

«Асака» давлат акциядорлик тижорат банки томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида барча молиялаш манбаларини ҳисобидан ажратилган кредитлар эвазига 5795 та янги иш ўрни яратилди. Ил охирига қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун

йўналтириладиган кредитлар миқдори 855,6 млрд. сўмга етказилиши кўзда тутилган. Бу эса мазкур молия муассасасининг сармоялари мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганидан далолатдир.